2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

12 (614)

2008 йил 19 март

Чоршанба

# Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ Ҳашар элимизга ярашди

▶ "Олтин водий"дан тухфа

3 ▶ "Шарқ" Бухорога элтади

▶ Саксовул мусаффолик муҳофазасида

4 ▶ Пешвоз чиқдик, Наврўз истиқболига

▶ "Илик узилди"да қувват — кўкатда!

## ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЯДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифининг иккинчи куни Абу-Даби марказидаги шайх Зоид бин Султон Ол Наҳаён мақбарасига ташриф буюрди.***

1971-2004 йиллар давомида Бирлашган Араб Амирликларига раҳбарлик қилган бу арбоб мазкур давлатнинг ташкил топиши, мустақилликка эришиши ва ривожланишига ғоят катта ҳисса қўшган. Унинг халқаро майдондаги нуфузи ҳам жуда юқори эди.

Ислом Каримов мақбара ёнида барпо этилган масжидни ҳам кўздан кечирди.

Шундан сўнг мамлакатимиз раҳбари Дубай шаҳрига келди.

"Заабил" саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактумнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Ислом Каримов Дубай Амирлиги Бирлашган Араб Амирликларининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутишини, Ўзбекистон билан ҳамкорликни фаол ривожлантираётганини таъкидлади.

Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Араб Амирликларининг Марказий Осиёдаги энг ишончли шерикларидан эканлигини, ушбу ташриф ўзаро муносабатларни янги мазмун билан бойитишга хизмат қилишини алоҳида қайд этди.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижроси, янги лойиҳаларни тузиш имкониятлари билан боғлиқ масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи якунига етди. Ташриф асносида мамлакатларимиз ўртасида хавфсизлик, атроф-муҳит муҳофазаси, сайёҳлик, савдо-иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик, қимматли қоғозлар бозори, савдо-саноат ҳамда илм-фан ва маданият муассасаларининг ҳамкорлигини назарда тутувчи қатор ҳужжатлар имзоланди. Бу икки томон учун ҳам манфаатли бўлган ўзаро муносабатларнинг янги босқичи бошланганидан далолат беради.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент—Абу-Даби—Дубай—Тошкент.**

***Наврўз уйғониш, янгиланиш, меҳнат ва саодат айёмидир. Бу байрам табиат неъматларини қадрлашга, у билан уйғун яшашга даъват этиши билан янада аҳамиятли.***

## ГУЛ БАҲОРнинг ҚУТЛУҒ АЙЁМИ

***Бугун она табиат гўё янгидан туғилгандек — поёнсиз далалар, мевазору боғлар ўзгача либос кийиб, ўзига хос тароват касб эта бошлади. Сахий тупроқ бағридан энтикиб бўй кўрсатаётган майсалар, шовуллаб оқаётган анҳор лабларидаги кўк ялпиз, тўда-тўда бўлиб очилган бинафшалар ҳар бир дилни мафтун этиши аниқ. Булар Наврўзнинг орази, гулгун чеҳраси, ўлкамизнинг жамолидир.***

2-саҳифада ⇨

Самарқанд вилояти

Бунёдкор замондошларимиз

## ОМОНБОЙни ОБОД қилаётган ОДАМЛАР

***Каттақўрғон туманида каттагина сув омбори борлиги кўпчиликка маълум. Ана шу сув омборининг кириш-чиқиш каналлари оралиғида Омонбой қишлоқ фуқаролар йиғини жойлашган бўлиб, унинг таркибида Омонбой кўприк, Омонкалхат, Дўстлик, Сарой-қўрғон, Янгиқиёт, Чиғаноқ, Қоракулча ва Рўзи Шаропов номидаги маҳаллалар мавжуд. Йиғин ҳудудида яшовчи аҳоли сони 20550 нафарни ташкил қилади. Қишлоқнинг ўзига хос табиий шароити бор, яъни бир жиҳати — ҳудудининг қарийб тенг ярми захкаш майдонлардан иборат.***

Шу боисдан кўклам келиб барча жойларда авж оладиган экин-тикин ишлари омонбойликлардан алоҳида ғайрат-шижоат, катта куч талаб этади.

— Сув омбори ва ҳавзанинг кириш-чиқиш каналлари ўтган жойларда сизот сувларининг кўплиги, қолаверса, бу йил қор ва ёмғир кўп ёғиши туфайли ер майдонларимизда намлик даражаси меъёридан ошиб кетди, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Тоғай Чориев. — Маҳаллалар фаоллари, оқсоқоллари, фермер ва ҳомий ташкилотлар раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказиб, ўзига хос шарт-шароитда ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари юзасидан махсус режа тузиб олгандик. Айни кунда бу юмушларнинг катта қисми бажарилди. Бизни ниҳоятда мамнун қилгани бу юмушларда ёшларимизнинг ўзгача, ҳар доимгидан ортиқроқ ташаббус кўрсатаётганидир. Ҳар куни бу юмушларда юзлаб ёшлар қатнашмоқда.

Сизот сувлар ер сатҳига яқин бўлганлиги боис бироз ёғингарчилик бўлса ҳам, кўчаларимиз лой бўлиб кетади. Шу боисдан ариқ ва зовурларни тозалаш, кўчаларга тош-шағал ётқизиш асосий юмушларимиздан ҳисобланади. Янгиқиёт маҳалласидаги икки километр масофадаги йўл таъмирланмоқда. Омонбой кўприк маҳалласида тадбиркор Азиз Раҳимов ташаббуси билан 600 кишилик ёз ва қиш мавсумига мослашган тўйхона қурилиши бошлаб юборилди. Рўзи Шаропов номидаги маҳаллада эса тадбиркор Файзулло Рўзиев ҳомийлигида болалар спорт майдончаси қурилишини режалаштирганмиз. Омонкалхат маҳалласи қишлоқ фуқаролар йиғини марказидан 55 километр узоқликда жойлашган бўлиб, маҳаллада гузар йўқ эди. Жорий йил давомида маҳалла маркази қурилиши ҳам бошланади.

Ҳудудда ўтган йил давомида бажарилган бунёдкорлик ишларининг кўлами ҳам кенг бўлган экан. Хусусан, Рўзи Шаропов номидаги маҳаллада фуқароларни ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 28 миллион сўм сарф-харажат эвазига иккита артезиан қудуғи кавланди. Қоракулча маҳалласида эса оқсоқол Муҳаммади Очилов бошчилигида, Ғолиб Омонов ва Тоштемир Ҳайитов каби саховатли фермерларнинг ёрдами ва ҳашар йўли билан "Каттақўрғон—Зирабулоқ" темирйўлининг устидан ўтувчи кўприк барпо этилди. Натижада 15 километрлик айланма йўл орқали босиб ўтиладиган масофа ўн баробар қисқариб, одамларнинг узоғи яқин бўлди. Чиғаноқ қишлоғида тадбиркор Барот Худойбердиев дўкон, сартарошхона ва пойабзал тузатиш устахонасини қуриб, ҳам даромад, ҳам дуо оляпти.

Омонбой кўприк ва Дўстлик маҳаллалари оқсоқоллари Т.Бобомуродов ҳамда Т.Муҳаммадиев бошчилигида ҳашар уюштирилди ҳамда ҳомийлар жалб этилиб, табиий газ қувурлари янгиланди. Натижада ҳар икки маҳалладаги хонадонлар табиий газ билан тўлиқ таъминланди, таъминотдаги узилишлар барҳам топди. Чиғаноқ қишлоғида эса ҳашар йўли билан ўн бир километр узунликдаги йўлга тош-шағал ётқизилди.

Хуллас, бунёдкорликка иштиёқи баланд, аҳил ва ҳамжиҳат маҳалладошлар ғайрат-шижоати самараси ўлароқ, Омонбой кундан-кун обод бўлмоқда.

**Рустам ҲАЙИТОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

Бухоро вилояти

Замонавий қулайлик

## БУХОРОДА ЯНГИ БОЗОР

***Наврўз байрами арафасида Бухоро шаҳри марказида бундан чорак аср муқаддам қурилган «Сомоний» деҳқон бозори ўрнида замонавий меъморчилик талабларига жавоб берадиган ҳамда шарқона анъаналаримиз асосида янги бозор мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.***

Умумий майдони 10,5 гектарга тенг бўлган мазкур бозор қурилиши билан бирга XV асрда бунёд этилган шаҳар қалъасининг Талипоч дарвозасига туташ 400 метрлик қисми ҳам таъмирланди, янги йўллар қурилди, электр энергияси, газ, сув ва алоқа тармоқлари янгиланиб, ҳудудда жами 7 миллиард сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ҳамда ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Дарҳақиқат, бугун ушбу савдо мажмуасини кўздан кечирган киши халқимизнинг бунёдкорлик шижоатига яна бир бор тан бериши аниқ.

Янги бозор мажмуаси ҳудудида турли истеъмол маҳсулотлари сотиладиган 10 дан ортиқ савдо растаси, 130 та савдо дўкони, ошхона, супермаркет ва 1440 та савдо нуқтаси аҳолига хизмат кўрсатади.

**Ҳамроз АЛИ,**
**«Mahalla» мухбири.**

## БАА МАТБУОТИ ТАШРИФ ҲАҚИДА

**Абу-Даби, 18 март. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.)**

***Бирлашган Араб Амирликлари оммавий ахборот воситалари Президент Ислом Каримовнинг ташрифини кенг ва изчил ёритиб бормоқда.***

"Ал-Иттиҳод" ва "Ал-Баян" газеталарида 18 март куни "Халифа Ўзбекистон раҳбари билан икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилди", "Муҳаммад бин Зоид Ўзбекистон—БАА алоқаларини янада ривожлантириш зарурлигини таъкидламоқда", "Ўзбекистон—БАА муносабатлари мустаҳкамланмоқда", "Ўзбекистон ва БАА ташқи ишлар вазирларининг учрашуви", "Ўзбекистондаги ислом ёдгорликлари фотокўргазмаси" мавзуида мақолалар чоп этилди. "БАА Президенти олий мартабали меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистон билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш тарафдори эканини, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш икки мамлакат манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади. Ўз навбатида Президент Ислом Каримов Ўзбекистон БАА билан иқтисодий ва сармоявий соҳада ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори эканини қайд этди", дейилади дастлабки мақолада.

Ислом Каримовнинг Абу-Даби Амирлиги валиаҳди билан учрашувига бағишланган мақолада Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён ушбу тарихий ташриф Ўзбекистон—БАА муносабатларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлагани келтирилган. Валиаҳд икки мамлакат ўртасида делегациялар алмашуви амалиётини изчил давом эттириш зарурлигини қайд этган.

БАА матбуоти ташриф асносида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтганини ёзди, улар тўғрисида ахборотлар берди. Шунингдек, 2008 йил 18 март куни Абу-Даби маданият марказида Ўзбекистондаги ислом маданияти ёдгорликларига бағишланган фотокўргазма очилганини хабар қилди. Газеталарда қайд этилганидек, "очилиш маросимида марказ раҳбари Абдулла ал-Амрий бу кўргазма икки мамлакат ўртасида маданий ва гуманитар алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади деди".

Қорақалпоғистон Республикаси

## УСТЮРТАРО ХАЛҚАРО ЙЎЛ

**жадал суръатларда қурилмоқда**

***Қадимий «Буюк ипак йўли»нинг энг машаққат билан босиб ўтиладиган тармоғи Устюрт саҳроси узра ўтган. 2003 йилдан буён мазкур йўлнинг қўшни Қозоғистон мамлакатигача бўлган 240 километр узунликдаги қисмида тупроқ кўтариш, шағал тўкиш ишлари бошланган эди.***

Устюртда улкан саноат корхонаси — Қўғирот сода заводи қурилиб фойдаланишга топширилиши, сахрода геологик-қидирув ишлари кўлами кенгайиши, бир сўз билан айтганда етти миллион гектарни эгаллаган, бунгача кимсасиз бўлган жойларда ҳаёт авж олиб кетгани боис «Гузар — Нукус — Қўғирот — Бейнеу» халқаро йўлини қайта реконструкция қилиш эҳтиёжи туғилган эди. Дастлаб ушбу магистрал йўлнинг Даут ота баландлигидан Қўғирот сода заводигача бўлган қисми халқаро андозаларга мос равишда таъмирланади. Бу мураккаб ва муҳим ишни йўлларни пудрат асосида ишлаш, таъмирлаш ва фойдаланишга топшириш бўйича «Қўғирот» давлат корхонаси амалга ошираяпти.

Қорақалпоғистондаги турдош корхоналар орасида энг йириги ҳисобланган мазкур корхона бош муҳандиси Бахтиёр Маткаримовнинг таъкидлашича, халқаро йўлнинг эни 23 метру 60 сантиметр, асфальтланадиган қисми 11 метру 30 сантиметр бўлади. Айни пайтда йўл қурилишига 2 та экскаватор, 9 та бульдозер, 3 та автозейбер, «Либхер» русумли юкловчи мосламалар, 17 та автомашина ва бошқа техникалар, 3 та йўлсозлар бригадаси аъзолари жалб этилган.

**Асил БЕК,**
**«Mahalla» мухбири.**

*15-16 март кунлари юртимизда умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтди*

## ЭЛНИ БИРЛАШТИРДИ ЭЗГУ АНЪАНА

***Айни пайтда ҳашар нафақат эл-улуснинг бирдамлиги, ҳамжиҳатлиги асосида ўтадиган меҳнат тадбири, балки инсонларга меҳр-оқибатдан, одамийликдан сабоқ берувчи бебаҳо тарбиявий тадбир сифатида ҳам алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда.***

***15-16 март кунлари Наврўз айёми муносабати билан ҳамда «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари тадбирлари қарийб 16 миллион нафардан зиёд юртдошимизни хайрли мақсадлар йўлида бирлаштирди. Умумхалқ тадбири жойлардаги барча ташкилотлар, муассасалар, корхоналар, шунингдек, фуқаролар йиғинлари ҳудудида уюшқоқлик билан ташкил этилиб, ҳашарчиларнинг ғайрат-шижоати билан республикамиз бўйича жами 33 минг гектарга яқин майдон ободонлаштирилди, 7600 та қадамжолар саришталанди. Шунингдек, кўплаб маҳаллаларда гузарлар, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, спорт иншоотлари ва янги боғлар барпо этилиши айни ҳашар кунларида ниҳояланди. Энг эътиборлиси, Ёшлар йилида ўтказилган хайрия ҳашарида ёшларнинг фаол иштироки яққол сезилди. Улар ўз ташаббуслари, ғайрат-шижоати билан Ватанга чексиз садоқатини яна бир бор намоён қилдилар.***

* * *

**Тошкент шаҳри**

***Умумхалқ хайрия ҳашари тадбирлари мамлакатимиз пойтахтида ҳам уюшқоқлик билан ўтказилди.*** Ҳашар кунлари корхона ва ташкилотларда, ўқув юрти, таълим муассасалари, қишлоқ ва маҳаллалар ҳудудида иш қизғин бўлди. Хусусан, "Ёшлик" талабалар шаҳарчасидаги тадбирда иштирок этган 10 мингдан зиёд талабанинг аксарият қисми "Камолот" ва "Ёшлик" боғига бир тупдан арча ва мевали дарахт кўчатини экди. Хайрли тадбирдан пойтахтлик нуронийлар ҳам четда туришмади. 100 нафардан зиёд нуроний Чиғатой қабристонини ободонлаштиришга ҳисса қўшди. Эътиборлиси, улар Тошкент қурилиш ва миллий-ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи ўқувчиларини ёнларига олиб, кўчат экиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига бошқош бўлдилар.

**Қорақалпоғистон Республикаси**

***Қорақалпоғистонда ҳам ҳашар ишчанлик ва ташаббускорлик руҳида ўтди.*** Айниқса, Устюрт саҳроси бағрида жойлашган сода заводи жамоаси ҳамда Элобод шаҳарчасида хайрия ҳашари ҳақиқий меҳнат байрамига айланиб кетди. Заводнинг 1200 нафардан зиёд ишчиси ва шаҳарча аҳолиси 14 гектарлик боғни тозалаб, янги кўчатлар ўтказишди. Завод атрофи тартибга келтирилиб, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Жами 1 миллион 400 минг нафардан ортиқ аҳоли иштирок этган умумхалқ ҳашари кунлари 860 гектардан зиёд майдонда тозалаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Давоми 2-саҳифада ⇨

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Хатлар бўлими: 236-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

**— Яна нима дейсиз?**
**— Сумалакдан енг, қувват бўлади!**

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Кўргазма

## НАВРЎЗ ШОДИЁНАСИ

***Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвон саройида мусаввир Нодира Орипова асарлари кўргазмаси очилди.***

Самарқандда туғилиб вояга етган Нодира дастлаб Республика рассомлик коллежида, сўнгра Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида тасвирий санъат сирларини ўрганди.

Баҳор айёми барча ижодкорлар сингари мусаввирлар учун ҳам битмас-туганмас илҳом манбаи саналади. Жаннатмонанд диёримизнинг ҳар бир ҳудудининг ўзига хос табиати, меъморий обидаларини, қадриятлари, саховатпеша ва фидойи одамларини бўёқларда акс эттириш Н.Орипова ижодининг ҳам асосий мавзуини ташкил этади.

«Наврўз шодиёнаси» деб номланган мазкур кўргазмада мўйқалам соҳибасининг миллий удумларимиз, она-табиатнинг уйғониш айёми, зумрад баҳор манзаралари акс эттирилган юзга яқин ижодий иши намойиш этилмоқда. «Меҳр», «Тўлин ой», «Афросиёб маликалари», «Қизлар суҳбатида», «Қишлоқ кўриниши» каби асарлар шулар жумласидандир.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ГУЛ БАҲОРнинг ҚУТЛУҒ АЙЁМИ

***Башарият тарихида Наврўздан қадимийроқ байрамни топиш қийин, унинг илдизлари неолит (милоддан аввалги VI-IV минг йилликлар — муаллифлар) даврига бориб тақалади. Наврўз байрамининг пайдо бўлиш тарихи жамият тараққиётининг жуда қадимги босқичларига бориб тақалади. Наврўз байрамини нишонлаш одамларнинг Ер ҳақида, унинг коинотдаги ўрни ҳақида мулоҳаза юрита бошлаган даврига тўғри келади. У инсонларнинг жуда қадимдан шакллана бошлаган маълум удуми, урф-одатлари, кундалик турмуш эҳтиёжлари, атроф-муҳит, табиат омилларига нисбатан муносабатлари негизида вужудга келган. Дастлаб, Наврўз байрамини ўтказиш ўтроқ деҳқонларда расм бўлган, кейинчалик улар орқали ярим ўтроқ ва кўчманчи туркий халқларнинг ҳам урф-одатларига айланган. Байрамлар турли миллат ва элатлар ҳаётида ўта муҳим аҳамият касб этган хўжалик фаолияти — деҳқончилик билан бир вақтда шаклланган. Бугунги кунда Наврўз байрамининг бундан 3,5-4 минг йил бурун бизнинг ўлкамизда пайдо бўлганлиги илмий жиҳатдан исботланган. Асрлар ўтиши билан бу урф-одатлар мамлакатлар, халқлар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар ривожланиши замирида кенг ёйилиб, мазмунан бойиган ҳамда маълум бир ўлкалар доирасида тарқалган барҳаёт анъанага айланган.***

Аслида Наврўз илми нужум қонуниятлари билан боғлиқдир. Негаки, 21-22 мартда кеча ва кундуз тенглашади, кунлар аста-секин узаяди. Қуёш ҳамал буржига қадам қўяди. Наврўз кунларида ёшу кексаларга совға-саломлар улашилади, марҳумлар хотирланади, ҳовли-жойлар ораста-ланиб, яхши ният билан кўчатлар ўтқазилади. Ватанимиз бўйлаб ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари тобора авж олади. Маҳаллаларда ҳашарлар ўтказилиб, жамоат жойлари, кўчалар, мактаб ва боғчалар атрофлари янада обод қилиниб, гўзаллашади.

Наврўз тарихи ҳақида энг аниқ маълумотлар ва илмий хулосалар буюк мутафаккир олимлар, хусусан, Абу Райҳон Беруний-нинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Қонуни Маъсудий», «Мунажжимлар санъатидан бошланғич тушунчалар», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит-турк», Фирдавсийнинг «Шоҳнома» ҳамда Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнома» асарларида ёзиб қолдирилган. Наврўз байрами шарқда Эрондан то шарқий Туркистонгача, шимолда Кавказ ва Қозоғистонгача, жанубда то Ҳиндистонга қадар кенг тарқалган.

Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнома» асарида Наврўз ҳақида шундай маълумотлар келтирилади: «Подшоҳларнинг бир одати бор: йил бошида улар яхшиликка фатво бериш ва саналарни белгилаш ҳамда маишат учун маълум маросимлар ўтказиши зарур. Кимки Наврўз куни байрам қилиб қувонса, кейинги Наврўзгача хуррам бўлади ва фароғатда яшайди. Подшоҳлар учун бу одатни олимлар белгилаб беришган».

Бухоролик тарихчи олим Абу Бакр ибн Муҳаммад Жаъфар Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» асарида ёзишича, Варахшада (Бухородан 30 километр шимоли-ғарбда жойлашган шаҳар) халқ йилнинг охирида йигирма кун бозор қилиб, йигирма биринчи куни Наврўз — Янги йил байрамини кутиб олган. «Буни деҳқонлар Наврўзи дейдилар. Бухоро деҳқонлари йил ҳисобини ўша кундан бошлайдилар ва бунга эътибор берадилар», деб ёзади Наршахий. Демак, Наврўз қадимда баҳор, деҳқончилик байрами сифатида ўтказилган.

Ушбу байрам билан боғлиқ анъаналардан бири айём кунларида туғилган чақалоқларга Наврўз исмини қўйиш одатидир. Лутфийнинг «Гул ва Наврўз» достонида келтирилишича, Фаррух шоҳ байрам куни ўғил кўради, унга Наврўз деб исм қўяди.

Қадимдан Ўзбекистоннинг турли жойларида Наврўз турлича кутиб олинган. Масалан, Хоразмда Наврўзни нишонлашдан аввал махсус йиғинлар ўтказилган. Унда байрам раиси, корфармони тайинланган. Бу йиғинларда Наврўз кунлари томошалар, сайиллар, мусобақалар ўтказиш тартиблари ҳақида сўз борган. Қашқадарёликлар удумига кўра, ёғингарчилик туфайли ёхуд бошқа сабабга кўра Наврўз кирган кунни тантана қилолмасалар, ўша кунни «куни бекор» деб атайдилар, байрамни эса эртаси куни нишонлайдилар. Водийликлар бу айёмни «Наврўз гули», яъни бойчечаксиз нишонлашмайди. Ёшяланг бу гулни териб келиш учун тоққа чиқадилар. Кечга яқин қучоқ-қучоқ гуллар териб қайтадилар.

Наврўзда ҳар бир маҳалла, қишлоқда баҳорий лаззатли таом — сумалак пиширилади. «Сумалак» сўзи «шарбат учун ундирилган арпа» ёки буғдой маъноларини англатувчи қадимий туркий сўз — «сума»дан келиб чиққан.

Қадимда сумалак пишириш чоғида уни тайёрловчилар янги кийимлар кийганлар. Янги либос кийишнинг иложи бўлмаган ҳолларда эса умидворлик рамзи сифатида жимжилоқ бармоқларига тоза мато бўлагини боғлаб олганлар.

Ўрта асрларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудининг турли жойларида Наврўз ўзига хос тарзда нишонланган. Байрам вақти 3 кундан тортиб, то далаларда экин-тикин ишлари бошлангунига қадар давом этган. Байрамнинг биринчи куни карнайчи-сурнайчи, дорбоз ва полвонларнинг чиқишлари, кун ўртасида мусиқачилар, ҳофизлар ва бошқа санъаткорларнинг ижролари, кечга бориб эса сайиллар, халқ ўйинлари, базмлар уюштирилган. Кун сайин томоша ва мусобақалар авжига чиқа бошлаган. Турли мусобақалар: улоқ (кўпкари), кураш, пойга байрамнинг кўрки саналган. Бундан ташқари, бедана, хўроз, қўчқор уриштириш ўйинлари ҳам ўтказилган.

Қадимда ҳам Наврўз куни одамлар ўзларининг орзу-ниятларини изҳор этиб, матал ва эртаклар айтишган, қиз ва келинчаклар ўсма ва сурма қўйишиб, мазмундор лапарлар, қўшиқлар ижро этишган. Доира садоларига рақсга тушиб, бир-бирларининг маҳоратларини синашган. Байрам кунларида қариндошлар ва қўшнилар бир-бирларини йўқлайдилар, совғалар улашадилар, муҳтожларга ёрдам берадилар. Одамлар ўртасида хафагарчилик, адоват, гина-кудуратни унутишга ҳаракат қилинади. Ёшлар кексаларни зиёрат қиладилар...

Айнан 21 мартда дунё миқёсида нишонланадиган саналар ҳам мавжуд. Масалан, ушбу сана 1999 йилда БМТ томонидан «Бутун дунё шеърият куни» деб эълон қилинган. Бундан ташқари, айнан шу сана курраи замин миқёсида «Она сайёра куни» сифатида ҳам нишонланади. Ҳар йили баҳорги тенг кунлик муносабати билан Дунё кўнгироғи жаранглайди. Демак, бизга аждодлардан мерос, асрлар бағридан келган шодиёна, эзгуликка эш бўлган айём — Наврўзи олам аслида фақат Шарқ халқларининг эмас, амалда бутун инсоният байрамига айланиб бормоқда.

Аждодларимизнинг бу ажойиб анъанаси ҳозирги кунда янгича мазмун касб этиб, уни ўтказиш доираси янада кенгайди. Ҳозирда у меҳнат ва ижод тантанасига айланиб, мазмун ва моҳияти билан бойиб бормоқда.

***Боғлар жамолига тўймай боқар кўз,***
***Бугун бахт ва баҳор таърифида сўз,***
***Дилни сурур билан тўлдирган байрам.***
***Гул фасли муборак — айёми Наврўз!***

**Рашид БОЙТИЛЛАЕВ,**
**Наргиза ИСОҚОВА.**

*15-16 март кунлари юртимизда умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтди*

# ЭЛНИ БИРЛАШТИРДИ ЭЗГУ АНЪАНА

*(Давоми. Аввали 1-саҳифада)*

* * *

**Андижон вилояти**

***Андижонликларнинг бунёдкорлиги, бағрикенглиги ва саховатпешалиги умумхалқ хайрия ҳашари кунларида яққол кўзга ташланди.*** Қўрғонтепа туманидаги Ижтимоиёт маҳалласида замонавий мактаб биноси, сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пункти, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи шахобчаларни жамулжам этган маҳалла гузари фойдаланишга топширилди. Меҳнат ва мурувват тадбири байрам тантаналарига уланиб кетди. Ҳашар кунлари 5680 та кам таъминланган оила ҳолидан хабар олиниб, уларга 35 миллион сўмдан зиёд миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

* * *

**Бухоро вилояти**

***Миллий қадриятлар, барҳаёт анъаналаримиздан бирига айланиб кетган ҳашарни бухороликлар ҳам яқдиллик билан ўтказишди.*** 718 минг нафардан ортиқ фуқаро ушбу хайрли тадбирда белни маҳкам боғлаб, меҳнат қилди. Ҳашарчилар томонидан ободонлаштирилган майдонлар 2537 гектарни ташкил этди. 758 та қабристон ва зиёратгоҳ тозаланиб, тартибга келтирилди. Ҳудуддаги кўча ва хиёбонлар атрофига салкам етти юз минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Шу куни 2708 та кам таъминланган оила саховатпеша инсонлар, ҳомий ташкилотлар мурувватидан баҳраманд бўлди.

* * *

**Навоий вилояти**

***Навоийликлар умумхалқ ҳашари нафақат ободончилик ва кўкаламзорлаштириш, балки улкан бунёдкорлик тадбири ҳам эканлигини ўзларининг хайрли амаллари орқали намоён этдилар.*** Ҳашар кунларида Навоий шаҳрида 50 хонадон учун мўлжалланган тураржой биноси ва 14 та савдо дўкони фойдаланишга топширилди. Қизилтепа туманида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ишга туширилди. Нурота шаҳрида 3 километр узунликда тоза ичимлик суви қувури ўтказилди. Шунингдек, Навоий шаҳри марказида етти гектар майдонга эга бўлган "Ёшлар боғи"нинг барпо этилишини ҳам диққатга сазовор ишлардан бири сифатида баҳолаш мумкин.

* * *

**Наманган вилояти**

***Наманганликларнинг гулга шайдолиги азалдан маълум.*** Ўз маҳалласини боғу бўстонга айлантириш шижоати ҳашар кунлари бу ҳудуднинг кексаю ёшига бирдек рағбат берди, юрак амрига айланди. Тадбирда иштирок этган икки миллион нафардан ортиқ ҳашарчининг 1 миллион 240 минг нафарини ёшлар ташкил этди. Вилоят бўйича бир миллион тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди, 559 та қабристон ва зиёратгоҳ ободонлаштирилди. Бу борадаги ишлар айниқса, Поп, Косонсой ва Норин туманларида юқори савияда ташкиллаштирилди.

* * *

**Самарқанд вилояти**

***Самарқанд шаҳрининг осори-атиқаларга бой ҳудудлари эрта тонгдан ҳашарчилар билан гавжум бўлди.*** Асосийси, шу кунлари ободончилик ишлари билан бир қаторда талай хайрли ишлар ҳам амалга оширилди. Вилоятдаги 6800 дан зиёд кам таъминланган оилага мурувват ёрдами кўрсатилди. Нуробод туманидаги Гирдиқўрғон маҳалласида ҳомийлар ҳиммати билан 34 та кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйи ўтказилди. Тўйболаларнинг ҳар бири номига банкда шахсий ҳисоб варағи очилиб, маълум миқдорда маблағ қўйилди. Жом маҳалласида кўпнинг кучи билан кўприк, Халқобод маҳалласида эса 2 гектар майдонда боғ барпо этилди. Нарпай туманида эса 100 та хонадонга табиий газ ўтказилиб, Иштихон туманидаги Қорақўйли маҳалласида 450 та хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланди. Оқдарё туманидаги Янги равот маҳалласида эса "Ёшлар боғи" ташкил қилинди.

* * *

**Сирдарё вилояти**

***Умумхалқ хайрия ҳашари кунлари сирдарёликлар "Кўчат экиб, боғ ярат" деган азалий анъанага содиқ эканликларини яна бир бор намойиш этдилар.*** Вилоятда ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида 2009 йилда ўтказиладиган "Баркамол авлод" спорт мусобақаларига муносиб тараддуд кўриш мақсадида "Баркамол авлод" боғини яратишга киришилди. Ҳашарда иштирок этган қарийб 530 минг нафар аҳолининг 326 минг нафарини ёшлар ташкил этди. Тадбир давомида 1 миллион тупга яқин манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди, шаҳару қишлоқлар кўкаламзорлаштирилди.



* * *

**Сурхондарё вилояти**

***Умумхалқ хайрия ҳашарида вилоятда юздан ортиқ турли маданий-маиший ва ишлаб чиқариш иншоотларига пойдевор қўйилди.*** Тадбирда иштирок этган бир миллион нафардан зиёд аҳолининг қарийб олтмиш фоизи ёшлардан иборат экани эса иш суръатининг жадал давом этишини таъминлади. Хайрия ҳашарини ишчилар ўз корхоналарида, фермер ва деҳқонлар эса далаларида давом эттиришди. Шу кунлари саранжом-саришталикка, ободончиликка эътибор қаратаётган эл ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларни йўқлашни ҳам унутмади. Боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг 1273 таси ҳомийлар мурувватидан баҳраманд бўлди. Узун, Денов, Ангор туманларида эса эҳтиёжманд оилаларнинг ҳар бирига элликтадан жўжа тарқатилди.

* * *

**Тошкент вилояти**

***"Ҳашар — элга ярашар" шиори остида ҳашарга чиққан вилоят аҳолиси турар-жой мавзеларида, маҳаллаларда гул ва дарахт кўчатларини экиш, дарахтларни оқлаш ва шакл бериш, кўча ва йўлакларни тартибга келтириш, ариқ-зовурларни тозалаш каби ишларни амалга оширишди.*** Ҳашарчиларнинг саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ, 4500 гектардан зиёд майдон ободонлаштирилди, 800 минг тупга яқин дарахт ниҳоллари ўтқазилди. Ҳашар йўли билан ёлғиз кекса, ногирон фуқароларга тегишли бўлган 16409 метр квадрат ҳажмдаги турар-жойлар таъмирлаб берилди.

* * *

**Қашқадарё вилояти**

***Байрамни байрамдек ўказиш керак, токи йил бўйи эслаб юрайлик, деган эзгу ният билан ҳашарга отланган вилоят аҳли эрта тонгдан ишга киришди.*** Бошқа вилоятларда кузатилганидек, қашқадарёлик ёшлар ҳам тадбирда фаол иштирок этишди. Кўтаринки руҳда ўтган хайрия ҳашари давомида 2 миллион тупдан зиёд дарахт кўчати ўтқазилди, 1643 гектар майдон ободонлаштирилди. Маълумки, вилоятда ер ости бойликларини қазиб чиқарадиган конлар, қайта ишлайдиган йирик корхона ва заводлар кўп. Ҳашарда уларнинг жамоалари ҳам фаол иштирок этишди.

* * *

**Фарғона вилояти**

***Вилоятда умухалқ хайрия ҳашари кўтаринки руҳда бошланди.*** Риштон туманидаги маҳалла маркази таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Охунбобоев туманидаги Ғиштмон қишлоқ фуқаролар йиғини биноси ҳам тубдан қайта таъмирланиб, бу ерда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Шу кунлари Бағдод туманида "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлинмаси биноси фойдаланишга топширилди. Қўқон шаҳрида эса бешта ёш оилага уй-жой ажратилиб, Ўрмонбоғ маҳалласи аҳлига қулайликлар яратиш мақсадида янги маҳалла гузари фойдаланишга топширилди. Фарғона туманидаги мактабларнинг минг нафардан зиёд ўқувчи ва ўқитувчилари Шоҳимардонсойдаги 9 гектарлик майдонга ёшлар боғи пойдеворини қўйишди. Тошлоқ туманида эса учта янги савдо мажмуаси иш бошлади.

* * *

**Хоразм вилояти**

***Хоразмликлар ҳам ҳашарда фаол иштирок этишди.*** Урганч шаҳридаги ал-Хоразмий номидаги марказий хиёбонга минг тупдан зиёд субтропик мамлакатлардан келтирилган манзарали дарахт ва хилма-хил гул кўчатлари экилди. Шунингдек, Замахшарий, Нажмиддин Кубро номидаги ҳамда Авесто боғларига 950 туп игнабаргли дарахт ниҳоллари ўтқазилди. Хива шаҳридаги тарихий обидалар атрофи ободонлаштирилди. Айниқса, Ичанқалъа ҳудудида кенг миқёсда тозалаш ишлари олиб борилди. Маъмун академияси биноси қаршисидаги алломалар хиёбони кўкаламзорлаштирилди. Боғот туманидаги Найман қишлоғида янги маҳалла гузари фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, Шовот шаҳридаги Комилжон Отаниёзов номидаги маданият ва истироҳат боғида бир-бирини такрорламайдиган гулзорлар, хиёбонлар барпо этилди.

**МУХБИРЛАРИМИЗ**

**Жиззах вилояти**



***Умумхалқ хайрия ҳашарида барча юртдошларимиз қатори жиззахликлар ҳам фаол иштирок этишди. Шу кунлари вилоятда кенг кўламли ободончилик ва кўкаламзорлаштириш, хайр-саховат ишлари амалга оширилди. Икки кунлик тадбир давомида 718 минг нафар фуқаро иштирок этиб, 620 гектар майдонда ободончилик ишлари бажарилди. 239 та қабристон ва зиёратгоҳ ободонлаштирилди. 250 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт, 1,5 миллион тупдан зиёд гул кўчатлари ўтқазилди. Ҳашар кунлари айниқса, Жиззах шаҳри марказидаги Ўрда боғи талабалар, мактаб, коллеж ва лицей ўқувчилари, турли ташкилотларда меҳнат қилаётган ёшлар билан гавжум бўлди. Боиси, вилоят ҳокимлигининг Ўрда боғини "Ёшлар боғи"га айлантириш ҳақидаги қарорига мувофиқ бу ерда ҳашарни ташкиллаштириш ишларига "Маҳалла" жамғармасининг вилоят бўлими ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши бош-қош бўлди. Ҳашарчи-ёшларнинг саъй-ҳаракати билан шу куни боғда 12 минг туп манзарали дарахт, 5 минг туп гул кўчатлари ўтқазилди.***

— Ҳашар баҳона ушбу боғда бошланган ишлар йил бўйи давом этади, — дейди шаҳар коммунал хўжалик бошқармаси бошлиғи Баҳодир Отажонов. — Боғ ҳудудидаги 21 та иншоот бутунлай қайта қурилиб, ишга туширилади. Ўйлайманки, келгусида "Ёшлар боғи" нафақат ёшларимизнинг, балки вилоятимиз аҳли ва меҳмонларининг севимли масканига айланади.

Вилоятнинг Арнасой тумани гарчи чўл ҳудудида жойлашган бўлса-да, фасллар келинчаги ўз сепини ёйганда жуда гўзалашиб кетади. Кўклам нафаси нафақат табиатга, балки инсонлар қалбига ҳам илиқлик олиб киради, эзгу амалларга ундайди.

Арнасойликларнинг хайрия ҳашаридаги иштироки ҳам жуда фаол бўлди. Бу аслида туман аҳли учун баҳор фаслида ўтказилаётган иккинчи оммавий ҳашар. Чунки баҳорнинг илк кунида ҳам туман аҳли бир ёқадан бош чиқариб, маҳаллаларини обод ва ораста маконга айлантириш учун оммавий ҳашар уюштиришган эди. Албатта, ушбу хайрли ишга маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва фаоллари бош-қош бўлишди. Очиғини айтиш керак, кейинги йилларда туманда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари анча сустлашиб қолган эди. Боғлар файзини йўқотган, кўкламда экилган дарахт ва гул кўчатлари эса қаровсизликдан ёзнинг жазирамасига дош беролмай, қовжираб қоларди. Чиқиндиларнинг ўз вақтида олиб кетилмагани боис кўча ва хонадонлар атрофи санитария талабларига жавоб бермасди. Файзулла Салоҳиддинов туман раҳбари сифатида иш бошлагач, шундай муаммоларни баҳамжиҳат бартараф этиш ташаббуси билан чиқди.

— Фаоллар мажлисида баҳорнинг дастлабки кунида туман миқёсида оммавий ҳашар ўтказишга қарор қилгандик, — дейди "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлинмаси раиси Нормуҳаммад Файзиев. — Маҳаллалар оқсоқоллари ва кўчабошиларини тўплаб, маслаҳатлашдик, бажарилиши лозим бўлган ишларни режалаштириб олдик. Бунда бизга туман хотин-қизлар қўмитаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ёрдамга келди. Ҳар бир хонадонда бўлиб, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бордик.

Аслини олганда туманда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари февраль ойиданоқ бошланган эди. 1 мартга қадар туман бўйича йигирма минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчати ўтқазилди. Кўча ва маҳаллалар ободонлаштирилиб, ариқ-зовурлар тозаланди. Оммавий ҳашар куни эса жойларда ўн икки минг туп кўчат экилиб, ҳар бир туп ниҳол ва гул кўчати қатъий назоратга олинди, уни парваришлаш учун масъул киши тайинланди.

Туманда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратиш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда касаначиликни ривожлантириш ва 10 та янги кичик корхона ташкил этиш ҳисобига 210 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган туман меҳнаткашлари олтмиш минг тонналик буғдой, қирқ минг тонналик пахта хирмонини кўтариш учун астойдил бел боғлаб, ишга киришганлар. Айни пайтда дала шийпонларини мавсумга ҳозирлаш, етилган далаларга ишлов бериш ишлари қизғин давом этяпти. Эътиборли томони шундаки, ҳар бир маҳалла ва қишлоқ ҳудудида камида беш гектарлик боғ яратиш ташаббуси амалда ўз ижобатини топмоқда.

Ёшлар йили муносабати билан "Олтин водий" сувдан фойдаланиш уюшмаси ҳудудидан 5,5 гектар ер майдони ажратилиб, "Ёшлар экологик боғи" барпо этилмоқда. Мазкур боғнинг Наврўз байрами арафасида ишга туширилиши туман ёшлари учун муносиб байрам туҳфаси бўлди.

Айни пайтда барча юртдошларимиз каби жиззахликлар ҳам улуғ айёмни муносиб нишонлаш тараддудида.

**Абдували ҚАРШИЕВ,**
**“Mahalla” мухбири.**

Самарқанд вилояти

Йиғинда кимлар ишлайди?

# ЎРАМАСнинг СПОРТСЕВАР ОҚСОҚОЛИ

***Ургут туманидаги Ўрамас қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Раҳмонберди Хуррамов спортнинг футбол турига ошиқибоз. Ёши эллик иккини қоралаб қолган бўлса-да, маҳалланинг футбол майдонида тўп тепиб туришни одатга айлантирган. Ҳатто у тенгдошларидан бир гуруҳини тўплаб, футбол жамоасини ҳам тузган. Бугун оқсоқолнинг жамоа сардори бўлиб майдонга тушиши қишлоқ ёшларини ҳам спорт билан ошно бўлишга ундаяпти.***

Яқинда мазкур қишлоқ йиғини ҳудудидаги мавжуд Ўрамас, Қайроқли, Ўроқбойжар, Қуйи Ангор ва Ипакли маҳаллалари қизлари ўртасида ўтказилган «Балли қизлар» кўрик-танловининг гувоҳи бўлдик.

— Кеча қишлоқдошларимиз иштирокида оилавий ҳашар уюштирилди. Минглаб мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экдик. Ариқ ва зовурларни тозаладик, — дейди тадбирда бош-қош бўлиб турган йиғин раиси Р.Хуррамов. — Ҳашарда ёшларимиз ташаббус билан чиқиб, асосий ишларни бажаришди. Шу боис, мазкур тадбирни уларнинг меҳнатига рағбат сифатида ўтказяпмиз.

Тадбир сўнгида маҳаллаларо ўтказилаётган футбол мусобақасининг финал босқичи бошланди. Мусобақада айниқса, оқсоқол бошчилигидаги фахрийлар жамоасининг иштироки бутун Ўрамас аҳлининг олқишига сазовор бўлди.

— Ҳудудимиздаги 9 та мактаб ва 2 та коллежнинг спорт залларидан ташқари яна учта спорт маскани ишлаб турибди, — дейди оқсоқол. — Уларда футбол, волейбол, кураш, шахмат, шашка каби ўнга яқин тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган. Ўткир Юнусов раҳбарлик қилаётган Қайроқли маҳалласидаги волейбол тўгараги жамоаси ўтган йили туманда биринчи ўринни эгаллаб, вилоят миқёсида ҳам ижобий натижага эришди. Ботир Абдуҳалимов раҳбарлигидаги кураш тўгарагида ўттизга яқин ўсмир спорт билан мунтазам шуғулланяпти.

Дарвоқе, йиғинда ёшларни спортга янада кенгроқ жалб этиш, уларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун шароит яратиб бериш мақсадида «Ёшлар боғи»ни барпо этиш ҳамда янги ўйингоҳ қуриш ишлари режалаштирилмоқда. Ушбу бунёдкорлик юмушларининг барчаси ҳомийлар маблағи ва халқ ҳашари асосида битказилади, албатта. Бу борада ўрамасликларнинг тажрибаси етарли. Чунки ўтган йилда маҳалла фаолларининг саъй-ҳаракати билан ҳомийлар гуруҳи тузилиб, Қуйи Ангор ҳамда Қайроқли маҳаллалари қабристони ободонлаштирилган эди. Шунингдек, беш километр узунликдаги йўлга шағал ётқизилиб, қабристон атрофи панжара билан ўралди. Ана шу хайрли ишлар жорий йилда ҳам давом эттириляпти.

Ҳа, Ўрамас — спортсеварлар маҳалласи. Бу аввало йиғин оқсоқолининг спортга бўлган қизиқиши, қолаверса, ёшларнинг ҳам спортга кенг жалб этилаётгани ва йиғин ҳудудида бунга етарлича шарт-шароитлар яратиб берилаётгани самарасидир.

**Рустам ҲАЙИТОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

Осойишталик йўлидаги тадбирлар

# "ПОСБОН ИШИ ОСОН ЭМАС!"

## бу вазифани уддалаш учун чуқур билим, жонкуярлик ва фидойилик талаб этилади

***Тасаввур қилинг, хонадонингизга дабдурустдан милиция ходими кириб келди. Албатта, то кутилмаган ташриф муддаосидан хабар топгунингизча хавотирга тушасиз, бир зумда хаёлингизни "тинчликмикан", деган ҳадик эгаллайди. Ёки ҳар доим ҳам ўзимизни ўйлантираётган савол, қийнаётган муаммо юзасидан тўғридан тўғри ички ишлар ходимига мурожаат қилавермаслигимиз бор гап. Шундай пайтларда ўзи шу ҳудудда яшаб, маҳалладошлари ҳурматини қозонган маҳалла посбони аҳолига яқин кўмакдош бўлади.***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги 180-сонли қарори билан тасдиқланган Низом асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари ташкил этилган эди. Ҳозирги кунда посбонлик вазифасида минглаб юртдошларимиз фаолият кўрсатиб, хонадонимиз, маҳаллаларимиз осойишталигини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олишда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келишмоқда. Ўтган йиллар давомида бу тузилмалар фаолияти ўзини тўла оқлади, деб ишонч билан айта оламиз.

Посбонлар сафига фуқаролар йиғини кенгаши қарорига биноан 18 ёшга тўлган, Ватан ва халқ манфаати йўлида беғараз, садоқат билан хизмат қилишга бел боғлаган, жисмонан ва маънан соғлом, юксак инсоний ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинади.

— "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш, самарадорлигини янада оширишга қаратилган Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2008 йил 5 мартдаги қўшма қарорига мувофиқ Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида махсус семинар-кенгашлар ўтказиш жадвали тасдиқланди, — дейди Республика ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси масъул ходими Тўлқин Ғозибеков. — Қўшма қарорда, жумладан, жойларда маҳалла посбонлари фаолияти мониторингини ўтказиш, уларга ишлаш учун етарли шарт-шароит яратиб бериш, тузилмалар сафига ёшларни кўпроқ жалб этиш ва ишда ўрнак кўрсатган посбонларни мунтазам рағбатлантириб бориш масалалари ҳам кўзда тутилган. Маҳалла тизими ҳамда ички ишлар идоралари фаолиятини таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёт кечиришида посбонлар ишининг нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканини англаб олиш қийин эмас. Шу боисдан, қўшма қарорда посбонликка энг муносиб номзодларни саралаб олиш, уларнинг ишини жонлантириш, ҳуқуқ ва имтиёзларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ушбу семинар-кенгашларда ички ишлар бўлими бошлиқлари, профилактика инспекторлари, "Маҳалла" жамғармасининг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари ҳамда посбонлар сардорлари иштирок этишмоқда. Тадбирлар давомида мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, диний-экстремизм ва жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда ички ишлар идоралари билан жамоат тузилмалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кучайтириш, маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг ўрни каби мавзулардаги маърузалар иштирокчилар эътиборига ҳавола этилмоқда.

— Албатта, посбон иши осон эмас. У бир томондан маҳалла тизими ходими сифатида иш олиб борса, иккинчи томондан ички ишлар идоралари ходимлари билан ҳамкорлик қилади, — дейди Тўлқин Ғозибеков. — Бу посбондан ўзини ўзи бошқариш тизими фаолияти ҳақида мукаммал тасаввурга эга бўлишни, қолаверса, ҳуқуқий, сиёсий билимлардан маълум даражада бохабарликни талаб этади. Посбон ўз вазифасини, ҳуқуқ ва бурчларини тўла англаб етгандагина унинг фаолияти самарали бўлиши мумкин. Шу боис айни пайтда жойларда ўтказилаётган семинар-кенгашлар келажакда маҳалла посбонлари фаолиятини янада такомиллаштиришда қўл келишига ишонамиз.

**Шаҳноза ЭРГАШЕВА,**
**"Mahalla" мухбири.**

Олам турфа

## "Яшил дев"

***Калифорнияда ўсаётган улкан секвойядендерон дунёдаги энг баланд дарахт сифатида қайд этилган. Ҳайратланарлиси, унинг бўйи 115 метрга, яъни 35—40 қаватли бино баландлигига тенг.***

Асосан денгиз сатҳидан 1200—1500 метр баландликда жойлашган Сьера-Невада тоғларининг ғарбий ёнбағрида ўсувчи мазкур мўъжизавий дарахтнинг шохлари фил ва мамонтнинг тишларига ўхшагани боис, у "Яшил дев", яъни мамонт дарахт деб аталади. Ўзига хос баланд бўй (ўртача 80-100 метр) ва қалин танага эга (айланасининг диаметри 8-10 метр) гигант секвойядендерон бошқа дарахтларга нисбатан анча узоқ умр кўриши билан ҳам ажралиб туради. Олимлар бу борада бир тўхтамга келмаган бўлсалар-да, маълумотларга кўра унинг умр кўриш давомийлиги 2-3 ва ҳатто 4 минг йилга тенг экан.

Қизиғи, Сьера-Невададаги энг катта секвойядендеронларга "Ўрмон отаси", "Генерал Шерман" каби лақаблар қўйилган. Чамалаб кўрилганда "бор-йўғи" 83 метр бўйга эга бўлган "Генерал Шерман" салкам 1500 метр куб ёғочдан иборат экани, бўлакларга бўлинган тўсинларини ташиб кетиш учун 20-25 вагонли эшелон керак бўлиши аниқланган. Айланасининг диаметри 11 метрни ташкил этган дарахт тўнкасида эса бемалол оркестр жамоаси ва 30 нафар рақҳоса концерт уюштириши мумкин. Бу ҳали ҳаммаси эмас, 1881 йилда Йосеми миллий боғида улкан секвойядендероннинг пастки қисми уйилиб, ўтиш қисми ҳосил қилинган. Мазкур ковакдан автомобиль ҳеч қандай қийинчиликларсиз ўта олади.

Тошкент вилояти

# Зангиотада саховат

***Зангиота туманида ногирон, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оила фарзандларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида хайрия тадбири ўтказилди.***

Унда тумандаги беш юздан ортиқ кам таъминланган оила аъзолари иштирок этди. Тадбирда кам таъминланган оилаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланадиган фарзандларига спорт киймлари туҳфа этилди. Шунингдек, 153 та оила вакилларига 1680 та товуқ ҳамда 16 та оилага бир бошдан қорамол берилди. Шу жумладан, 11 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи кўмакка муҳтож оилаларнинг коммунал тўловлардан мавжуд қарзлари ҳомийлар томонидан тўланди.

**МУХБИРИМИЗ**

# «Шарқ» Бухорога, «Регистон» Самарқандга элтади

***Юртимиз темирйўл қурувчиларининг тинимсиз меҳнатлари эвазига ўтган йилда вилоятлараро 3 та тезюрар поезд йўналиши ишга туширилди. Айни пайтда «Шарқ» (Бухоро), «Регистон» (Самарқанд), «Насаф» (Қарши) йўловчи ташувчи тезюрар поезд йўналишлари аҳоли хизматида. Жумладан, Тошгузар—Бойсун—Қумқўрғон магистрал темирйўлининг қуриб, ишга туширилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Айни кунларда Қизилқум орқали Хоразм ва Қорақалпоғистонгача бўлган темирйўл қурилиши ишлари амалга оширилмоқда.***

Соҳа доирасида ўтказилаётган йирик ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишлари натижасида меҳнат унумдорлиги ошиб, хорижий давлатлараро йўловчи поездлари қатнови йўлга қўйилмоқда. Хусусан, бугунги кунда мазкур типдаги поездлар Санкт-Петербург, Симферопол ва Екатеринбург шаҳарларига ҳамда Ғарбий Европа мамлакатлари бўйича темирйўл йўналишлари бўйлаб ҳаракат қилмоқда.

"Тошкент—Москва—Тошкент" темирйўл йўналиши йўловчи хизмати бригадири Улуғбек Абдуллаев шу соҳада 34 йил давомида фидойилик билан ишлаб келишмоқда. У шу кунгача миллион нафардан зиёд йўловчига хизмат кўрсатган.

**Марат НОСИРОВ**

**СУРАТЛАРДА:** *"Москва—Тошкент—Москва" йўналиши сардори Улуғбек Абдуллаев (юқоридаги суратда);*

*«Шарқ» (Тошкент—Бухоро) тезюрар поездида 35 йилдан бери фаолият юритаётган йўл кўрсатувчи Бахтиёр Маматов ва Дилбар Рўзиева.*

***Суратлар муаллифи Р.ГАЛИЕВ***

«Маҳалла зиёси»дан — маҳалла йиғинига

# ФАОЛИЯТДА ФОЙДАЛИ НАШРЛАР

***Республика «Маҳалла зиёси» ўқув-услубий маркази фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига доир бир нечта услубий қўлланмаларни нашрга тайёрладики, бу нашрлар мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаролар йиғини ҳаёти ва фаолиятидан ўзига хос кўмакчи сифатида ўрин олиши шубҳасиз.***







Чунки бу қўлланмаларда фуқаролар йиғинига хос бўлган кўпқиррали фаолиятнинг барча йўналишларига оид илғор тажрибалар, намунавий низомлар жамланган. Хусусан, «Фуқаролар йиғини тизимининг намунавий тузилмаси ва иш юритиш услублари» нашри маҳалла тизими ходимлари учун жуда фойдали амалий қўлланма кўринишида чоп этилган. Унда фуқаролар йиғинлари фаолиятининг энг асосий жиҳатлари, мазмун-моҳияти, маъмурий-ҳуқуқий асослари акс этган. Бугунги кунда ҳар бир фуқаролар йиғини қошида фаолият кўрсатаётган турли йўналишдаги комиссиялар ишини тўғри ташкил этиш, ҳудудда мавжуд жамоат ва давлат ташкилотлари билан ўзаро узвий ҳамкорликни йўлга қўйиш асослари баён этилгани ушбу қўлланманинг аҳамиятини янада оширади.

Йиғинлар фаолияти учун фойдадан холи бўлмаган яна бир нашр «Ҳуқуқ ва бурч — ютуқлар гарови» деб номланган қўлланмадир. Бу қўлланмада Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви томонидан бир қатор жамоат ва давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ва фаоллари учун ташкил этилган ўқув-семинарларга оид материаллар жамланган бўлиб, унда жамият ҳаётида маҳалланинг демократик институт сифатидаги ўрни, бозор муносабатлари шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш хусусида тавсиялар мавжуд.

Булардан ташқари, тизим фаолиятига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар жамланган «Маҳалла» номли тўпламнинг II-жилди чоп этилди. Бу китобга 2003-2007 йиллар давомида қабул қилинган тизим фаолиятига дахлдор қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган бир қатор қарор ва фармонлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари киритилган.

Яқинда «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви ва Тошкент шаҳар бўлими ҳамда Республика «Маҳалла зиёси» ўқув-услубий маркази томонидан пойтахт маҳаллалари мутасаддилари ва фаоллари иштирокида юқоридаги нашрларнинг тақдимот маросими ўтказилди. Янги нашрлар тизим ходимларида катта қизиқиш уйғотди. Бундай тадбирлар республикамизнинг бошқа вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида ҳам ўтказилиши режалаштирилган.

**М.ҚОСИМОВА**

Муаммо ва ечим

# ОРОЛ ҳудудида НИҲОЛ ундирсак...

## Оролбўйи минтақасидаги муаммолар ечимига йўл очилади

***Марказий Осиё мамлакатлари ҳудудида ўтган асрда табиат ресурсларига нисбатан эътиборсиз муносабатда бўлингани ва глобал иқлим ўзгариши оқибатида ҳозирда мазкур минтақа мамлакатлари жиддий экологик муаммоларга дуч келмоқда. Собиқ тузум даврида атроф-муҳитга кўрсатилган тажовузларнинг салбий оқибати бугун яққол сезиляпти. Жумладан, Орол денгизи ва Оролбўйи минтақасида юзага келаётган экологик муаммолар ечими нафақат мамлакатимиз учун, балки бизга қўшни республикалар учун ҳам долзарб масала ҳисобланади.***

— Кейинги йилларда Оролнинг қуриб бориши туфайли «Қизил китоб»га киритилган мазкур ҳудудда учрайдиган ўсимлик ва ҳайвонларнинг 10 дан ортиқ тури йўқолиб бормоқда, — дейди эколог, профессор Рашид Қулматов. — Ҳатто баъзи жониворларнинг сони қарийб ўн баробарга қисқариб кетган.

Мутахассисларнинг фикрича, Оролнинг ҳозирги ҳолатида денгиз сувининг тахминан учдан бир қисмигина қолган холос. Орол сувининг шўрланиш даражаси бир мунча кўтарилган. Масалан, 1 литр сувга 10-12 грамм туз тўғри келган бўлса, бугунги кунда 1 литр сув таркибида ўртача 110-120 граммдан кўпроқ туз бор. Оролнинг қуриб бораётгани оқибатида денгиз тубидаги очилиб қолган ерлардан йилига 90-100 миллион тонна қум, чиқинди ва тузлар атроф-муҳитга тарқалиб, экологик мувозанатни издан чиқаряпти.

— Бундан ташқари, ушбу минтақада ичимлик суви танқислиги ҳам катта муаммодир, — дейди Р.Қулматов. — Орол денгизини сув билан таъминлайдиган йирик дарё — Амударё сувининг минераллашув даражаси анча юқори. Бундан ташқари, сув таркибидаги оғир металлар ва бошқа заҳарли моддаларнинг миқдори ортиб бормоқда.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда Президентимиз ташаббуси билан Оролнинг экологик ҳолатини яхшилаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалиётга татбиқ этиб келиняпти. Ер эррозияси ва мелиорацияси, ўрмончиликни ривожлантириш бўйича изланаётган олимларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, ҳудудда биохилма-хилликни яратиш орқалигина мавжуд муаммоларга барҳам бериш мумкин.

— Денгизнинг қуриши оқибатида 4,7 миллион гектар майдонда чўл ҳудуди пайдо бўлган, — дейди Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги Республика илмий ишлаб чиқариш маркази бошлиғи Шермуҳаммад Юсупов. — Бу майдоннинг 450 минг гектари шўрлаб кетган, 1 миллион гектардан ортиқ ҳудудда кўчиб юрувчи қум барханлари юзага келган. Лекин Оролнинг қуриган ҳудудларидан 850 минг гектарида ўрмончилик ишларини ривожлантириш мумкин. Ҳозирда тажрибада синалган, бутасимонлар оиласига мансуб ўсимликлар ушбу ер майдонларига экиляпти.

Саксовул ўсимлиги амалиётда айниқса, ўз самарасини бермоқда. Олимларнинг таъкидлашича, бу ўсимлик шамол тезлигини пасайтириш билан бирга Орол теварагидан тузли чангларнинг ҳавога кўтарилишини камайтиради. Айни кунда ҳудудда 200 гектар майдонга саксовул экилган. Ушбу майдонга экилган саксовуллар ўзидан бир йилда 167 минг тонна кислород ишлаб чиқариб, 2 миллион 216 минг тонна карбонат-ангидридни ютади. Аҳамиятли томони шундаки, бир гектар майдонга экилган саксовул уруғининг сочилиши натижасида келаси йилда яна ўн гектар майдонда унинг янги ва ёш ниҳоллари униб чиқади. Орол ва Оролбўйи ҳудудида биохилма-хилликни тиклашда бу ўсимлик яхши самара бериши аниқ.

**Меҳрож ДАРХОНОВ**

Шунақаси ҳам бўлади...

# ҲОЛИНГГА ВОЙ, МАТХОЛИҚ!

***Очиғи, эркак кишининг салгина бўлса ҳам тўлароққина, яъни этликкина бўлгани дуруст экан. Нега дейсизми? Аслида бунинг ижобий томонлари кўп, қолаверса, савлатлигина одам Матхолиқнинг ҳолига тушмайди.***

...Матхолиқнинг иштаҳасизликдан нолиганини биров эшитган эмас, лекин у егани юқмайдиганлар хилиданми, ҳарҳолда ёши ўттиздан ошиб ҳам эт қўймади. Нима кийим киймасин, эгнида худди кетмон сопига илингандек туради. Бир куни қизиқ воқеа бўлди: Матхолиқ аллақайси йиғиндан чиқиб, катта кўча бўйлаб уйига томон кетиб борарди. Эгнидаги костюм-шими шалвираб тургани етмагандек, муштдек бошига саватдек шляпани ҳам қўндириб олган. Муйилишдан ўнгга бурилиб, юз қадамлар чамаси одимлаганди ҳамки, уни кўхликкина бир жувон тўхтатди:

— Кечирасиз, озгина вақтингиз борми, ака, ёрдамингиз керак бўлиб қолди.

— Бажону дил.

— Унда мен билан юрсангиз, — дея аёл йўл бошлади. Матхолиқ аёлнинг ортидан бораркан, хаёлига минг бир ўй оралади. Зимдан аёлга назар солди: «Тузуккина жувон экан. Қомати ҳам келишган. Қизиқ, муддаоси нима экан-а унинг?» Матхолиқ ўзидан айнан қандай ёрдам зарурлигини энди сўрамоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, аёл бир дарвоза олдида тўхтади:

— Уйга кирайлик, ака. Илтимос...

Матхолиқ остона ҳатлар экан, бирдан миясига бир хаёл урилди: «Ҳойнаҳой, лампочка қуйиб қолган ёки яна бошқа арзимаган иш бўлса керак. Ёки мени бир кўришда ёқтириб қолдимикан? Ишқилиб, охири бахайр бўлсин-да...»

Матхолиқ аёлга эргашиб чоғроққина меҳмонхонага кирди.

— Айбга буюрмайсиз, ечинсангиз.

Аёлнинг бу илтимосидан сўнг Матхолиқнинг тили калимага келмай қолди.

— Нима? — дея олди холос.

— Таажжубланманг-да, костюм-шимингизни ечаверинг. Ҳа, ҳа. Кўйлакни ҳам, — дея аёл ичкари хонага кириб кетди.

Матхолиқ «Э, бир бошга бир ўлим. Қани кўрайлик-чи, у ёғи нима бўларкин?» дея индамай ечина бошлади. «Тоза ажойибига йўлиқибман-ку. Буёғи... Ишқилиб эри йўқмикан? Эри йўқдирки, мени бошлаб келди-да...» Матхолиқ костюм-шимини ечиб бўлганди ҳамки, аёл ичкари хонадан чамаси саккиз-тўққиз ёшли болакайни қўлидан етаклаб чиқиб келди. Аёл Матхолиққа бир қур назар ташлади-ю, болакайга уни кўрсатиб деди:

— Айтиб қўяй, ҳадеб хархаша қилиб, овқатингни емай юраверсанг, катта бўлганингда худди мана шу амакингга ўхшаб ор-риқ бўлиб юраверасан...

Матхолиқ уй ўртасида серрайганича қотиб турарди...

**Одилжон ЖЎРАЕВ**

# Лоладек жом нақш уриб келди олам Наврўзи, Олди ранг Наврўз домидин боғу бўстонлар юзи...

## Кўклам ғоя яшнар борлиқ...

*Наврўз келди, кўнгиллардан ариди-ку ғуборлар,*
*Она юртга ярашиқли куз, ёз, қишу баҳорлар,*
*Аё дўстлар, қандай гўзал, тароватли бу онлар,*
*Булбулларнинг хонишидан ўлкам куйларга тўлсин,*
*Наврўз муборак бўлсин!*

*Наврўзга пешвоз чиқиб, ястанади майсазор,*
*Кўклам шабадасидан чайқалади лолазор,*
*Борлиқни тутар бу дам шўх ялла, қўшиқ, алёр,*
*Меҳр ва оқибатдан қалблар нурларга тўлсин,*
*Наврўз муборак бўлсин!*

*Дошқозонда тўлиб қайнар кўклам рамзи сумалак,*
*Она юртим Наврўзининг латофати бор бўлак,*
*Ёшлар завқу қувончидан ёришар осмон-фалак,*
*Кўклам чоғи яшнаб борлиқ, ўлкам гулларга тўлсин,*
*Наврўз муборак бўлсин!*

**Асрор БУРҲОНОВ,**
**Қашқадарё вилояти Қарши шахридаги Рогузар маҳалласи фаоли.**

## Борлиқни яшнатган Наврўзи олам муборак, азиз юртдошлар! Мустақил Ватанимизнинг фаровонлиги ва ободлиги йўлидаги сайъ-ҳаракатларимиз бардавом бўлсин!

Билиб қўйган яхши

## ҲАЁТБАХШ ҚУВВАТ БАҲОР НЕЪМАТЛАРИДА

***«Соғлиғингизни наҳор ва баҳорда дилингиз шодликка тўлишидан билинг», деган эди алломалардан бири Г.Торо. Зотан, баҳорнинг беқарор об-ҳавоси баъзи кишиларнинг руҳиятига, саломатлигига салбий таъсир этиши мумкин.***

Кўпинча бу пайтда инсон танасидаги ҳар хил сурункали касалликлар қўзғалади. Чунки қиш фаслида кам ҳаракат қилган инсон танаси эрта кўкламда турли дармондориларни талаб қилади, кишида камқувватлик аломатлари сезилади. Бундай ҳолатни ота-боболаримиз «Илик узилди» даври деб атаганлар.

Эрта баҳорда ерга амал кириб, турли гиёҳ ва шифобахш кўкатлар ҳам уна бошлайди. Чунончи, жағ-жағ, ялпиз, отқулоқ, баргизуб, момоқаймоқ, йўнғичқа ва бошқалар мўл бўлади. Тўғри, бу гиёҳларни ёз ва куз фаслларида ҳам ундириш мумкин, бироқ баҳорда етилган гиёҳ инсон соғлиғи учун энг фойдали ҳисобланади. Доно халқимиз кўкламда жисмонан бўшашмаслик тадбирларини азалдан кўриб қўйган. Жумладан, Наврўз байрами дастурхонига фаровонлик, тинчлик, меҳмондўстлик рамзи сифатида кўкатлардан тайёрланган кўк сомса, кўк нон, манти, чучвара, хоним ҳамда гўжа оши, сумалак, ҳалим каби баҳорий таомлар тортилган. Танасига зарур моддалар етишмаган кишиларга ушбу неъматлар куч-қувват, яхши кайфият бағишлайди.

Гўжа оши тўйимлилик ва куч-қувват бағишлаш борасида машҳур женшень ўсимлиги ва сумалакдан кейинги ўринда туриши таъкидланади. Сумалак эса қонимизни тозалайди. Ҳалим инсон танасида «қурилиш материали» вазифасини бажариб, иммунитетни оширади. Қолаверса, асаб, юрак қон-томир, ошқозон-ичак тизими фаолиятини яхшилашда қўл келади.

Ушбу фаслда айниқса, сут маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилиш кони фойда. Эрта кўкламда униб чиққан гиёҳлардан баҳорий таомлар тайёрлаб, истеъмол қилиш лозим. Баҳор ёмғири сувига чой дамлаб ичиш, таом тайёрлашда фойдаланиш, соч ювиш саломатликни сақлашнинг яхши тадбири ҳисобланади.

Кўпчилик баҳор фаслида табиатнинг чиройли ва сўлим жойларида сайр этишни, осмондаги булутларни, юлдузларни томоша қилишни, гул теришни хуш кўради. Дониш ота-боболаримиз таъкидлаганидек, ҳаётбахш қувват фақат баҳорнинг илк кунларида бўлади. Шу боис, баҳорда эртароқ уйқуга ётиб, барвақт туриш тавсия этилади.

**Сафар МУҲАММАДИЕВ**

## Чанголидан олинг, меҳмон!

***Кўнгилни яшартирадиган, қалбга баҳор соғинчини соладиган Наврўз байрамининг асрлар оша барҳаёт бўлиб келаётганининг ўзи бир ҳикмат. У билан боғлиқ урф-одатлар, анъанаю қадриятларимиз худди тилсимга ўхшайди. Биргина Наврўз йўқловлари мисолида ҳам унинг эзгулик ва қадр айёми эканини кўриш мумкин. Айнан Наврўзда тайёрланадиган таомларнинг тансиқлигию шифобахш хусусиятга эга экани аждодларимизнинг донишмандлигига бир ишоралиги бот-бот эътироф этилмоқда.***

Наврўз таомларининг шоҳи, шубҳасиз, сумалакдир. Лекин ҳолсиз вужудимизга мадор, толиққан руҳимизга қувват бергувчи Наврўз айёмининг Поп, Чуст туманларида тайёрланадиган яна бир чанголи аталмиш таоми борки, у ҳам тансиқ ва шифобахшликда шоҳ таомдан қолишмайди. Энг қизиғи, унинг тайёрланиш жараёни ҳам сумалакка бир қадар ўхшаб кетади.

Яъни, тозаланган буғдой икки кун сувда ивитиб қўйилади. Сўнгра худди сумалакка тайёрлангани каби тахтага бир текис ёйилиб, икки-икки ярим сантиметр ундирилади. Шундан сўнг ниш урган буғдой қиймалагичдан ўтказилиб, шарбати ажратиб олинади ва шу шарбатга ун қўшилиб, юмшоқ хамир қорилади. Ундан кулчалар ясалиб, бир оз тиндирилгач, қизиб турган ёққа солиб пишириб олинади.

Туз ва шакар солинмаган бўлса-да бу кулчаларнинг таъми жуда-жуда мазали бўлади. Бундан ташқари, кишини тўқ сақлаши билан бирга соғлиқ учун кони фойда. Байрам кунлари тайёрланиб, худди сумалак қатори дастурхонга тортиладиган чанголи фақат қўл меҳнати билан тайёрлангани учун ҳам шундай номланган. Тайёрлаш жараёни сумалакка нисбатан осонлиги ва кам вақт талаб қилингани боис уни ҳар бир хонадонда пишириш ва сумалак ўрнида тарқатиш мумкин. Кўпни кўрган кайвонилар чанголини энг аввало болаларга, оғироёқ келинларга кўпроқ илинадилар. Уларнинг айтишларича, бу таомдаги дармондорилар болаларнинг соғлом ривожланишида катта ёрдам берар экан.

**Маҳмуда ҚОДИРОВА**

## МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

**ҚЎЙ (21.03-21.04)**

Айни кунларда режаларингизни амалга оширишга жиддий киришинг. Шундагина ишда ва оилада юзага келадиган муаммоларнинг олдини оласиз.

**СИГИР(22.04-20.05)**

Ҳафта давомида сизни баҳорий кайфият тарк этмаслиги учун яқинларингиз даврасида бўлишга ҳаракат қилинг. Аммо ишдаги фаолликни қўлдан берманг.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)**

Ҳафта давомида янги танишлар орттирасиз. Шодиёна кунларда ота-онангиз ва яқинларингиз ҳолидан хабар олишни унутмасангиз бас.

**КИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)**

Молиявий муаммолар ечимини куч ишлатиб эмас, фикрингизни сўз орқали баён қилиш билан ҳал қилишингиз даркор.

**АРСЛОН (23.07-22.08)**

Агар оила аъзоларингиз билан муносабатда арзимас бўлса-да, ўзаро гина-кудуратлар чиқса, уларни Наврўз байрами арафасида унутишга ҳаракат қилинг.

**ПАРИЗОД(23.08-22.09)**

Фикр билдирмаслик сизнинг ютуғингиз. Айнан шу хусусият оилада ва ишда вужудга келиши мумкин бўлган келишмовчиликларнинг олдини олади.

**ТАРОЗИ (23.09-22.10)**

Ҳафта давомида ўзингизни ҳолсиз сезсангиз, баҳор таомларидан кўпроқ тановвул қилинг. Шу кунларда оилавий сайр уюштирсангиз, фойдадан холи бўлмайди.

**ЧАЁН (23.10-22.11)**

Айни кунда сиз ва оила аъзоларингиз ҳаёти учун муҳим бўлган янгилик кутилмоқда. Ўз салоҳиятингизни кўрсатиш фурсати етди.

**ЎҚОТАР (23.11-21.12)**

Шахсий ҳаётингизда бирмунча ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Ҳар қандай масала ечимида қалбингизга қулоқ тутганингиз маъқул.

**ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)**

Ўзингизга бўлган ишонч туйғуси салбий таъсирини ўтказиши мумкин. Айниқса, ижодий салоҳиятингизнинг сусайишига олиб келади.

**ҚОВҒА (20.01-18.02)**

Атрофдагилар фикрини эшитишни ўрганишингиз керак. Ишдаги фаоллигингиз туфайли шу кунларда муносиб тақдирланасиз.

**БАЛИҚ (19.02-20.03)**

Иш ва уй юмушларига жиддий ёндашинг. Айём кунларида узоқдаги қариндошларингизни йўқлашни унутманг. Бу билан турли келишмовчиликларнинг олдини олган бўласиз.

«Маҳалла» жамғармасининг Наманган вилояти бўлими Наманган шаҳридаги Даштбоғ маҳалласи фуқаролар йиғини раиси **АБДУҒАФОРОВА Рихсихон**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«F.SHAMSIDDIN» хусусий корхонаси «F.SHAMSIDDIN» МЧЖ га айлантирилади.
Манзил: Тошкент.ш. Шайхонтоҳур тумани, Фаробий кўчаси 393 «а»-уй.

Mahalla

**Таҳрир ҳайъати:**
**Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шухрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ,** (бош муҳаррир ўринбосари) **Мавлуда ҚОСИМОВА,** (масъул котиб) **Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.**

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.
Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят шикоятларга ечим излаш, хулоса ясаш ваколатига эга эмас.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.**
**Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.**

**Телефонлар:**
Қабулхона — **236-53-93**
Тел/Факс: — **233-44-25**
Масъул котиб: **236-53-75**
Котибият — **236-55-69**
Хатлар бўлими: **236-57-62**

2008 йил 19 март
12 (614)

20250 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-220 Топширилди — 23.30
1 2 3 4 5 6